
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

2

2021

Тошкент

Usmanov M.A.	The main features and state of the construction industry as the most important component of the development of the country's economy.....	120
Мухтаров М.М.	Корхоналари иқтисодий самарадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари.....	123
Сапаев Д.Х., Хаитова Н.И.	Тенденции развития виноградарства и виноделия в Республике Узбекистан.....	128

**МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ
МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ**

Абдухалилова Л.Т., Самадов А.Н.	Мамлакат таълим соҳасида маркетингни ривожлантириш йўналишлари.....	131
Акрамов Т.А., Махмудов Т.О.	Модалар бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	135
Муминова Н.М.	Тўқимачилик маҳсулотлари экспортида маркетингнинг халқаро жиҳатлари.....	141
Ибодов К.М.	Самарқанд вилояти ресторан хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияси.....	147
Турсунова З.М.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновацион маркетинг ва уни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	154

**ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ
ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА**

Толипова Д.Н., Бобонарова К.У.	Анализ динамики производительности труда.....	159
Исроилова Д.К.	Меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳорижий амалиёти таҳлили.....	163
Гулмуродов К.А.	Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясининг меҳнат бозорига таъсирини баҳолаш.....	169
Қорабоев Н.П.	Ўзбекистон меҳнат бозорида расмий ва норасмий секторларнинг мувозанатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар.....	173

**СУҒУРГА ИШИ
СТРАХОВАЯ РАБОТА**

Адилова Г.Д.	Пандемия шароитида суғурга хизматлари бозорини рақамлаштиришнинг истиқболлари.....	179
--------------	--	-----

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

Юлдашева И.З.	Кластер тизимини такомиллаштиришда сув истеъмолчилари уюшмаларининг ўрни.....	183
Ташматов Р.Х.	Ҳудудларда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва рақамлаштириш йўналишлари.....	186
Умарходжаева А.М.	Развитие агрокластеров: цифровизация и стратегии.....	193

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ
СФЕРА УСЛУГ**

Dadajonova M.M.	Xizmatlar sohasida turistik mahsulotlar taklifini mavsumiy lashtirish orqali marketing instrumentlaridan samarali foydalanish.....	197
-----------------	--	-----

**ТАЪЛИМ
ОБРАЗОВАНИЕ**

Садикова Ф.Р.	Таълим тарбия ва иқтисодиётни уйғунлаштириш жиҳатлари.....	202
Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим сифатини оширишда менежментнинг иқтисодий усулларини қўллаш.....	206

**РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ
РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ**

Alieva M.T., Xamidova M.A.	Yangi O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda mehmonxona xizmatlarining ahamiyati.....	213
Равшанов Т.Г.	Дунё бозорида “Ҳалол” туризмнинг ривожланиш хусусиятлари.....	215
Ҳамидов О.Х., Ҳамидов С.К., Юлдашев Ф.И.	Ўзбекистонда туристик ҳудудларни ривожлантириш ва кластерлар фаолиятини кенгайтириш.....	219
Мамаджанов А.А.	Ўзбекистонда туризм соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.....	225
Nurfayzieva M.Z.	COVID 19 pandemiyasining turizm iqtisodiyotiga ta'siri muammolari tahlili va ularni bartaraf etish yo'llari.....	231
	“Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали рунлари.....	235

5. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестистиялари тўғрисида”ги Қонуни 30.04.1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни 26.05.2000.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 18 июль.
8. ЎРҚ-549-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон) Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон): –Т.: Адолат, 2018. –112 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократи Узбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – 80 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 64 б.
14. Mohamed Battour the article of “Muslim Travel Behavior in Halal Tourism”. 2017 йил октябрь. – б. 2-7.
15. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хаджибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: Дарслик. – Т.: Бактрия, 2015. – 584 б.
16. Вахабов А.В., Хаджибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010.–328 б.
17. Тўхлиев Н. Осие тараққиёт модели. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 176 бет.
18. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 488 б.
19. Содиқов З. Бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. -72 б.
20. Содиқов З. Directions of national tourism development and the role of international experiences., The Light of Islam, Iss. 4, Art. 2019. 290 б.
21. www.unwto.org.
22. www.statista.com

**Хамидов Обиджон Хафизович -
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Ҳамидов Саиджон Комилович -
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси
Юлдашев Феруз Исроил ўғли -
БухДУ Иқтисодиёт ва туризм факултети II босқич магистранти**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Аннотация: мазкур мақолада мамлакатимиздаги туристик зоналарни ривожлантириш ҳамда бу соҳадаги кластерлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар масаласи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: туризм, кластер, инвестиция, бозор, кооперация, хусусий сектор, виза, стратегия.

РАЗВИТИЕ ТУРИСТИЧЕСКИХ ЗОН И РАСШИРЕНИЕ КЛАСТЕРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: в статье анализируются проводимые реформы в развитии туристических зон в стране и продуктивном создании кластеров в этой сфере.

Ключевые слова: туризм, кластер, инвестиции, рынок, сотрудничество, частный сектор, виза, стратегия.

DEVELOPMENT OF TOURIST ZONES AND EXPANDING CLUSTER ACTIVITIES IN UZBEKISTAN

Annotation: this article analyzes the ongoing reforms in the development of tourism zones in the country and the productive establishment of clusters in this area.

Keywords: tourism, cluster, investment, market, cooperation, private sector, visa, strategy.

Қириш. Бугунги кунда жаҳонда туризм соҳаси самарали механизмга эга кўп укладли иқтисодиётни таъминлаш учун асосий элемент ва мамлакат бюджетига йўналтирилиши мумкин бўлган катта даромад манбаи сифатида иқтисодчи олимлар томонидан илмий ада-

биётларда эътироф этилган. Ривожланаётган мамлакатларда, гарчи туризм соҳасидаги потенциал юқори бўлсада, туризм саноатини ривожлантиришда қатор муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги 50 йил мобайнида,

туризм дунё миқёсида экспансия учун юқори салоҳиятли фаолиятлардан бири бўлди. 1980-йилдан буён миллатлараро кечаётган жараёнларнинг тезлашиши ва миллий иқтисодиётларнинг очилиши жараёнида туризм молия тизимда иккинчи глобал секторга айланиб улгурди. Саёҳат муддатини ва нархини камайтираётган транспорт коммуникация тизими шунингдек, ижтимоий таътиллarning кўпайгани ва дам олиш кунларининг узайтирилгани, бизнес саёҳатлари туризмни ва халқаро жараёнларнинг ривожини рағбатлантирди.

Агар ривожланган мамлакатларнинг кластерлаш сиёсатини кўриб чиқадиغان бўлсак, бу дастлаб ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келган эди. Кейинчалик эса кластерлаш амалиёти туризм соҳасига қўлланила бошланди. Шу аснода кластерлаш хизматлар соҳасида ўрганилиши керак бўлган муҳим амалиёт сифатида жаҳон миқёсида ўрганиш ва амалий ҳаётга тадбиқ этишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили. Ўрганилган тадқиқотлар шунини кўрсатадики, кластерлар фаолият самараси илмий тадқиқот марказлари ва юқори салоҳиятга эга таълим муассасаларнинг бевосита амалий жараёнларига қатнашишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Америкалик иқтисодчиси М. Портер туризм кластерига тегишли элементларни санаб ўтиб шуларни айтадики, туристларнинг хизматлар сифатидан қаноат ҳосил қилиши ҳудуднинг мафтункорлиги билан чекланиб қолмайди, балки мавжуд тизимда алоқадор ташкилот сифатида фаолият олиб бораётган меҳмонхона, ресторан, дўконлар ва транспортнинг самарадорлигини ҳам назарда тутади”[3].

Сўнгги ўн йилликларда иқтисодиётни ўзгартириш шароитида кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш минтақавий даражага ўтмоқда, бошқа томондан инсоннинг соғлиғи, унинг тўлиқ тикланиши ва кучини ривожлантириш, аввало кўнгил очиш фаолиятига асосланган ҳолда, жамиятнинг муҳим стратегик вазифалари йўналишларидан бирига айланмоқда. Натижада, минтақавий рекреацион кластерларнинг самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади.

Мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлардан Анна Юрьевна Яковлева-Чернышева ўзининг тадқиқотларида кластерлар-

нинг ҳудудий ривожланишининг асосий дастаги бўлиб хизмат қилаётганини ҳисобга олиб, кластерлар фаолиятини такомиллаштиришга ҳисса қўшадиغان омилларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий гуруҳларга бўлиб таҳлил қилган[7].

Асосий қисм. Туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш зарурлигига тўхталган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: “Туризм учун босқичма-босқич ҳамма шароитларни яратяпмиз, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар беряпмиз. 2019 йил туризм ривожига туб бурилиш йили бўлади”[2]. Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида қайд этилганидек: “яқин келажакда туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш”[1] устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинганлиги сабабли туризм секторининг инвестицион жозибадорлиги ва фаолигини оширишни тадқиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шунини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларида туристик фаолиятдан самарали фойдаланиш йўналишларидан бири бўлган туризм хизматлар кластерларини шакллантириш асосида хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

Марказий Осиё халқларининг туристик маданияти ривожланиб бораётгани ва Европа туристик маданиятидан кескин фарқ қилишини ҳисобга олиб биз кластерларнинг ривожланишини таъминловчи ўз моделимизни таклиф қиламиз, унга кўра (1-расм):

1) ижтимоий-маданий омиллар гуруҳи, шу жумладан:

-жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида инсоннинг шахс сифатида ролини ошириш;

-инсон вақти таркибида бўш вақтнинг аҳамиятини ошириш;

-инсон эҳтиёжлари таркибини ўзгартириш, шу жумладан дам олиш учун эҳтиёжнинг ўсиши;

-истеъмолчиларнинг туристик янгиликлардан хабардорлигини ошириш;

-жамиятнинг маънавий-ғоявий хавфсизликни таъминлаш;

-миллий маданиятга таъсир кўрсатмаган ҳолда оммавий маданиятнинг ривожлантирилиши.

2) иқтисодий омиллар гуруҳи, шу жумладан:

-дам олишнинг иқтисодий функцияси: меҳнатни такрор ишлаб чиқариш муҳим омил сифатида;

-иқтисодий оборотга қўшимча ресурсларни жалб қилишга, моддий-техника базасини, инфратузилмани кенгайтиришга олиб келадиган рекреацион фаолиятни ривожланти-

риш, ва минтақавий даражада шунингдек мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш;

-истеъмолчилар даромадининг туристик эҳтиёжларни қондирадиган даражагача ошиши;

-ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий жиҳатларини кучайтириш;

-мавжуд потенциални ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишга ҳисса қўшадиган бизнес инфратузилмаларини рағбатлантириш.



1-расм. Минтақавий рекреацион кластерларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган омиллар

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

3) сиёсий омиллар гуруҳи, шу жумладан: -одамларнинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шароитларни яратиш билан боғлиқ давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари, шу жумладан аҳолининг барча гуруҳларининг рекреацион эҳтиёжларини қондириш қобилияти;

-минтақавий сиёсатни умуман давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида шакллантириш, шу жумладан минтақавий бошқарув тизимини ва ҳукуматнинг минтақавий даражасида кўпроқ ваколатларга эга делегацияни шакллантириш, кўпчилик ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда унинг аҳамияти ошишига олиб келади.

Айни вақтда ривожланаётган мамлакатларда кластерларни шакллантиришда бир қанча муаммолар мавжуд. Минтақавий рек-

реацион кластерларнинг ривожланишини чекловчи омилларга эса қуйидагилар киради (2-расм):



2-расм. Минтақавий рекреацион кластерларнинг ривожланишини чекловчи омиллар

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1) табиий омиллар гуруҳи:

-мавсумий иқлим ўзгаришига олиб келадиган "ўрта" ва айниқса "паст" мавсумларда дам олиш ташкилотлари юкининг сезиларли даражада пасайиши, пасайиши мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;

-табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик, рекреация ресурсларига ҳаддан ташқари юк тушишидан келиб чиқадиган экологик муаммолар, айниқса "юқори" мавсумда, буларнинг ишдан чиқиши ва бузилишига олиб келади;

-объектларнинг йўқ қилинишига олиб келадиган табиий офатлар моддий-техник базаси, инфратузилмаси;

-худуднинг табиий географик жиҳатдан жойлашувининг ноқулайлиги (табиий сув йўллариининг мавжуд эмаслиги, худудга ташриф буюришда табиий муаммоларнинг мавжудлиги).

2) ижтимоий омиллар гуруҳи, шу жумладан:

-жамиятда туристик маданият юқори даражада ривожланмаганлиги туфайли истеъмолчилар туристик маҳсулотга ўз маданий эҳтиёжларини ҳис қилмаслиги;

-иш ҳажми ошиши натижасида инсонларнинг бандлик юкласи ошиб, саёҳат учун етарли вақтнинг мавжуд эмаслиги;

-истеъмолчилар ўзининг шахсий-ҳаётий режаларини тартибли шакллантирмаслиги;

-истеъмолчилар ўз харажатлари таркибини тартибли режалаштирмаслиги;

-миллий ва ананавий қадриятларнинг доимий ўзгариб турувчи оммавий маданиятга мос келмаслиги.

3) иқтисодий омиллар гуруҳи, шу жумладан:

-истеъмолчилар даромадларининг етарли бўлмаган даражаси, бунда самарали рекреацион талаб потенциал истемолчиларнинг бирламчи эҳтиёжи ҳисобланмайдиган рекреацион хизматларнинг мажбурий истеъмолидан воз кечган ҳолда чекланади;

-моддий-техника ривожланиш даражаси етарли эмаслиги, молиявий дефицит билан боғлиқ базалар, инфратузилма уни ошириш учун зарур бўлган ресурслар;

-туристик талаб тез ўзгарадиган мавсумларда таклифнинг иқтисодий – ташкилий жиҳатдан суст мослашувчанлиги;

-қулай шароитларни мақсадли шакллантирадиган минтақавий рекреацион тизимларни ривожлантирадиган самарали ривожланиш стратегиясининг мавжуд эмаслиги.

4) сиёсий омиллар гуруҳи, шу жумладан:

-тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қийинлаштирадиган, минтақавий рекреацион тизимларнинг инвестиция жозибадорлигини камайтирадиган ва унда бизнес тузилмаларининг функциялаштириш норматив базасининг беқарорлиги;

-сиёсий беқарорлик, ҳарбий тўқнашувлар хавфи ва бошқаларга сабаб бўладиган минтақавий рекреацион тизимларда хавфсизлик даражаси етарли эмаслиги.

Кластерлар фаолиятини ташкил қилишдаги муаммолар асосан кластерлаштириш сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланмиш, кооперация алоқаларини ривожлантиришга бориб тақалади. Туризм секторини тадқиқ қилиш жараёнида кластерларни шакллантиришдаги бугунги кунги долзарб қатор муаммоларни таҳлил қилдик, жумладан:

-Хусусий сектор етарли даражада ривожланмаганлиги ва бизнес субъектлари тўла рақобатни ҳис қилмаслиги. Бизнес субъектлари рақобат курашида устунликка эришиш учун энг яхши усул кластерлар ташкил қилиб мувофиқ ҳамкорликда ишлаш кераклигини англайдиган даражадаги бозорни шакллантириш ва мутаносиб рақобат муҳитига асос солиш туризм соҳасида рақобатбардош туристик ҳудудларни ва кластерларни ташкиллаштиришга ундайди. Хусусий секторда жараёнлар частотасининг юқорилиги иқтисодиётда товар оборотининг тезлашишини таъминлайди. Шу жиҳатдан, туристик маҳсулотнинг сифати ва нархи бозор иқтисодиёти қонунларига кўра мувозанат нуқтага келиши бугунги кун иқтисодий талаби билан кластерлар фаолиятига эҳтиёж борлигини билдиради.

-Қийматлар занжирининг бозор қонуниятларига номутаносиб равишда ташкил топганлиги. Иқтисодий қонунлар бир бири билан иерархик усулда боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, микро даражадаги бозор иштирокчиларининг фаолияти бир бири билан ўзаро алоқадор. Маълум бир маҳсулот товар ҳолатига келгунича бир қанча босқичлар тизим кўринишида амалга оширилади ва ниҳоят товарнинг баҳоси шаклланади. Айни шу жараён қийматлар занжири атамасини изоҳлайди. Қийматлар занжири мукамал миқёсда бозорнинг фаол рақобатчиларидан маълум секторда илғорликни даъво қилаёт-

ганлари ташаббусни қўлга олишидан шаклланади, яъни энг оптимал нарх бозорда таклиф қилинади. Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётида рақобат инструментларининг самарали ишлаши бозорда асосан етарли иширокчиларнинг бўлиши ва энг самарали қийматлар занжирини таклиф қиладиган етакчи ишлаб чиқарувчининг бозорда мавжудлигига боғлиқ. Туризм соҳасида кластерларни ташкил қилишга эҳтиёж айни шу рақобат жангида бозорда қолиш юзасидан келиб чиқади.

-Кластерлар фаолиятида муҳим аспект ҳисобланган юқори сифат ва тезликка эга бўлган маълумотларнинг таъминланмаслиги. Ривожланган мамлакатларнинг кластер бирлашмалари маълумотнинг даражасига таяниб ўзининг қисқа муддатли режалаштиришини амалга оширади. Кластер сиёсатида тажрибаси йўқ иқтисодий тизимларда симметрик маълумотнинг таъминланмаслиги бозор ҳолатини баҳолашда хатоликларга олиб келади ва бу кластер аъзоларининг манфаатларига путур еткази.

-Ҳудуд бозорларининг кластерлар таъминоти талаби ва товар таклифига тайёр эмаслиги. Кластер бирлашмалари йирик ташкилот ҳисобланганлиги ва катта товар оборотга эга эканлиги мавжуд бозорга катта ҳажмдаги товарни таклиф қилади, натижада бозорнинг товар билан тўйинганлик кўрсаткичи ошиб кетиши нарх, истеъмолчи ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Айни вақтда, туристик кластерлар фаолиятини ташкиллаштиришда туристик маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган йирик ҳажмдаги ресурслар манбаи ҳам талаб қилинади.

-Кластерлар фаолиятини ташкиллаштиришда илмий базага асосланиш. Кластерлар таркибида таълим муассасалари, махсус тренинг марказлари ва илмий тадқиқот марказларининг ҳам бўлиши ва уларнинг барча қарорларда бевосита иштироки кластерларнинг муваффақиятли ривожланишининг асосий шартларидан ҳисобланади. Ташкилот ходимларнинг назарий ва амалий билимларини уйғун тарзда эгаллаши, тажриба ва тадқиқотлар натижасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш айнан таълим муассасаларининг назорати билан амалга оширилади.

-Кооператив муносабатларни ривожлантирадиган иқтисодий ислохотларнинг амалда бажарилмаслиги. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кластерлар фаолиятини

ривожлантириш масаласига мурожат қиларканмиз, Ўзбекистоннинг иқтисодий позицияси Непал ва Покистон иқтисодиётига маълум даражада ўхшашлигини, шунингдек айрим аналогик муаммоларнинг мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Мамлакат ҳудудида кластерлар учун қулай муҳитни яратишда ташкилотлар фаолияти бюракратиядан холи, яъни жараёнлар амалий жиҳатдан содир бўлиши муҳим ҳисобланади. Учинчи дунё мамлакатларида кузатиладиган муаммолар макроиқтисодий беқарорлик, инфраструктуранинг талаб доирасида эмаслиги ва ўсиб бораётган ишчи кучининг бандлик борасидаги кўркуви ҳисобланади [4].

-Бугунги кунда мамлакатлар ривожига тўсқинлик қиладиган асосий сабаблардан бири сифатида ҳудудда сув транспортининг ривожланмаганик даражаси кўрсатилади [5]. Ўзбекистон ўзи ҳам қўшниси ҳам сувга чиқа олмайдиган мамлакатнинг бири ҳисобланади [8]. Ўрта Осиё давлатлари сув транспорти ривожланмаган ҳудуд бўлганлиги ва Ўзбекистон ўзи ҳам чегарадош мамлакатлари ҳам сувга чиқолмайдиган икки мамлакатнинг бири ҳисобланганлиги регионал ҳамкорликни ривожлантиришни тақазо қилади. Жонгил Ким (Jong-il Kim) ўзининг тадқиқотларида қуруқлик билан чегараланган Афғонистон, Бутан, Непал каби давлатлар иқтисодиёти учун кластер сиёсатининг аҳамиятини таъкидлаб ўтган [6].

Мазкур тадқиқотлардан келиб чиқиб, муаммоларнинг ечими сифатида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

-Кластерларнинг функциялари ва моҳияти ҳақида махсус дарслар ва тренинглари ташкиллаштириб, соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларга кластерларнинг аҳамияти ва устунлик жиҳатларини тушунтириш, муваффақиятли кластерлар фаолиятидан кейс стабилар тайёрлаб тадбиркорлар ўртасида кооператив ҳамкорлик учун эҳтиёжни шакллантириш;

-Турли имтиёزلарни жорий қилиш йўли билан туризм соҳасига янада кўпроқ инвесторларни жалб қилиб, мукамал рақобатни шакллантириш;

-Махсус ишончли маълумотларни таъминловчи ва қайта ишловчи ташкилотларни жорий қилиш ва уларни кластерлар таркибига аъзо сифатида киритиш;

-Катта ҳажмда товар айланмасини таъминлаш мақсадида вилоятлар ва трансчегаравий алоқаларни ривожлантириш;

-Кластерлар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни қўллаб қувватлаш ва кластерлар фаолиятининг таҳлиллари учун олимларга қулайликларни жорий қилиш;

-Ўзбекистонда энг арзон ташиш усули темир йўл транспорти ҳисоблангани учун кластер муносабатлари ривожлантириладиган ҳудудларда темир йўллар қуриш.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли исоҳотлар соҳада туб бурилишларга сабаб бўлмоқда. Виза тизимининг ислоҳ этилиши, янги авиарейслар, фестивалларнинг ташкил этилиши юртимизга ташриф буюрувчи туристлар сонининг ошишига хизмат қилмоқда. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, 2017 йилга келиб Ўзбекистонга 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрган, 2025 йилга келиб хорижлик сайёҳлар сонини 9-10 миллион нафарга ошириш режалаштирилган [9]. Шуларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларида туристик фаолиятдан самарали фойдаланиш йўналишларидан бири бўлган туризм хизматлар кластерларини шакллантириш асосида хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

Хулоса. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, кластерлаштириш жараёни мамлакат иқтисодиётининг барча саноат йўналишлари учун энг оптимал ривожланиш ричаги эканлигини маълум бўлди. Айниқса туристик атракционга эга минтақаларни ривожлантиришда кластерлар фаолиятини тадбиқ этишнинг ўрни беқиёсдир. Тармоқ компанияларининг фаолиятини кенгайтириш ва ҳатто макро даражага етказишда ҳам кластерлар юқори аҳамиятга эгаллигини ва глобализация талабларига жавоб берадиган демократик жамият яратиш учун дастурул амал эканлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси ошиб бормоқда, бу эса туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ундайди. Туризмда кластерларнинг ривожланиши кўпгина олимлар томонидан ҳануз ўрганилмоқда ва бу жараён асосан туризм ривожланган Европа ҳудудига муносиб тадқиқ қилинмоқда. Мазкур илмий ишда эса бошқа тадқиқотлар ўрганилиб, Европа муҳитидан фарқли ҳолда Марказий Осиё мамлакатларига мос таҳлиллар олиб борилди. Бунга кўра, ҳудудий кластерларни ривожлантирувчи ижтимоий ва иқти-

содий омилларнинг айрим жиҳатлари фарқланади. Ижтимоий омил сифатида келтириб ўтилган жамиятнинг маънавий-ғоявий хавфсизликни таъминлаш бевосита мамлакатнинг ички муҳити билан боғлиқ бўлган ривожланишга салбий таъсир қиладиган экстремистик ва бузғунчи ғоялардан ҳимояланганлигини назарда тутса, оммавий маданиятнинг ривожланиши миллатлараро содир бўладиган маданий келишмовчиликларнинг олдини олишни изоҳлайди. Биз иқтисодий фарқли омил сифатида келтириб ўтган истеъмолчилар даромадининг ошиши ҳам Марказий Осиё шароити учун муҳим, чунки Европа ва Марказий Осиё халқлари даромадлари кескин фарқ қилади.

Худудий кластерларни ривожланишини чекловчи омиллар эса ижтимоий дунёқарашларнинг турличалиги туфайли тўлиқ фарқланади. Табиий омиллар мамлакатнинг ноқулай географик жойлашуви сабабли фарқланса, иқтисодий омиллар талабга мувофиқ таклифни таъминлаш частотасининг пастлиги ва истеъмолчилар харажатлари таркибига рекреацион харажатларнинг киритилмаслиги билан фарқланади.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши соҳа ривожини учун қўйиладиган асосий қадамлар ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлан-туришининг бешик устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 8 январ куни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан.
3. Портер, М. (1998). "Clusters and the New Economics of Competition", Harvard Business Review, Vol.76, N6, p.77-90.
4. Sánchez-Triana, E., D. Biller, I. Nabi, L. Ortolano, G. Dezfuli, J. Afzal, and S. Enriquez. (2014). Revitalizing Industrial Growth in Pakistan: Trade, Infrastructure, and Environmental Performance. Directions in Development. Washington, DC: World Bank press.
5. Aleksandra Łarko, Aleksander Panasiuk. (2018). Water tourism as a recipient of transport services on the example of Szczecin. Transportation Research Procedia.
6. Jong-il Kim.(2015). Lessons for South Asia from the Industrial Cluster Development Experience of the Republic of Korea. ADB South Asia Working Paper Series. N37 p. 14.
7. Анна Юрьевна Яковлева-Чернышева Кластерный Подход К Управлению Развитием Предпринимательских Структур В Рекреационной Системе 2010 Москва.
8. Dempsey Morais, Caitlin. "Landlocked Countries". Geolounge. Retrieved November 4, 2015
9. Umidjon Usmonjon (2020). PROBLEMS OF DEVELOPMENT PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF RECREATIONAL TOURISM IN THE FERGANA VALLEY Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 1, Article 26.

Мамаджанов Аброрали Аширалиевич - Тошкент давлат иқтисодиёт университети Статистика кафедраси мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Аннотация: Ушбу мақолада туризм ёрдамчи ҳисобининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш алгоритми, шунингдек, бу ҳисобнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм ёрдамчи ҳисоби, ялпи қўшилган қиймат, туризм тармоғи.

Аннотация: В данной статье описаны основные показатели вспомогательного счета туризма и алгоритм их расчета, а также особенности этого счета.

Ключевые слова: туризм, вспомогательный счет туризма, валовая добавленная стоимость, отрасли туризма.

Abstract: This article describes the main indicators of the tourism satellite account and the algorithm for their calculation, as well as the features of this account.

Keywords: tourism, tourism satellite account, gross value added, tourism industries.

Кўпгина ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсаткичларда ифодаланганда миқдорий кўринишга эга бўлади. Статистик кўрсаткичлар ҳодисаларни ҳажм, таркибий тузилиш, улардаги ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликлар нуқтаи назаридан ифодалайди. Шунинг учун ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини ифодалашда статистик, шу

жумладан, туризм статистикаси кўрсаткичларидан фойдаланилади. Туризмда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнлар жуда хилма-хил ва ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларни бир кўрсаткич орқали ифодалаб бўлмайди ва шунинг учун уларни ифодалаш учун статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш талаб этилади.